(? - 842)
(819-842)

Сомонийлардан бўлган Самарканд хокими. Тохирийлардан Абдулла ибн Тохир билан бирга халифаликдан мустакил сиёсат юргазишга интилган, Истахрий ва Ибн Хавкалларнинг ёзишича, халифа Муътасим (833-842) бундан норози бўлиб Абдулла ибн Тохирга нома юбориб, уни койиган. Абдулла бу хатни Самаркандга жўнатган. Нух ибн Асад ўзининг жавобида Мовароуннахрда 300 минг кишлок борлигини, хар бир кишлок битта сарбоз ва битта навкар беришга кодир эканлигини кўрсатиб ўтади. Бу билан у халифадан кўркиш керак эмаслиги, чунки факат Мовароуннахрнинг ўзигина 600 минг сарбоз ва навкардан иборат кўшин тўплай олишини билдирган. Бу даврда кўчманчи туркий кабилалар Шошга кўп хужум килиб турарди. Шош Яхъё ибн Асад ихтиёрида эди. Унинг илтимосига кўра, Нух ибн Асад 840-йил Исфижобнинг туркий кабилаларидан бўлган хокимига карши кўшин тортган. Бу уруш Нух ибн Асаднинг галабаси билан тугаган. Балозурийнинг ёзишича, бу вактда Нух ибн Асад экинзорлар, токзорлар, боглар, кишлоклар ва шахарларни кўчманчиларнинг хужумидан саклайдиган катта мустахкам девор куришни буюрган.